

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН ҲИМОЯЛАШ

Баходир Турсунович Хаитов

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти,
Гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кунда тобора авж олиб бораётган ва инсоният онги, тафаккури ва интеллектини эгаллашга қаратилган “ахборот хуружи”, унинг мақсад-муддаолари, салбий оқибатлари, намоён бўлиш шакллари ва унга қарши курашишнинг долзарблиги ва аҳамияти бўйича таклиф ва мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: ахборот, ахборот хуружлари, ёшлар тарбияси, ахборот хавфсизлиги.

PROTECTION OF YOUNG PEOPLE FROM INFORMATION ATTACKS IN PATRIOTIC EDUCATION

ABSTRACT

This article describes the "information attack" that is on the rise today and is aimed at capturing the consciousness, thinking and intellect of mankind, its purpose and the urgency and importance of combating it.

Keywords: information, information attacks, youth education, information security

КИРИШ

XX асрнинг охири ва асримиз бошига келиб ҳаётимизда “ахборот асри”, “ахборотлашган жамият”, “ахборот хуружи” каби тушунчалар пайдо бўлди. Бу эса бугунги кунда ахборот тушунчасининг аҳамияти ошганлигидан, қамрови кенгайганлигидан, мақсад-муддаоси ўзгараётганлигидан дарак беради. Ахборот энди бирор жараён, воқелик ёки ҳодиса ҳақида хабар бериш маъносидан четга чиқиб, инсонлар онги ва руҳига таъсир этишининг, жамиятда мавжуд қонун-қоидаларни ва бутун дунё эътироф этган умуминсоний қадриятлар ва тушунчаларни маълум мақсад атрофида бирлашган айрим гуруҳ ва жамоаларнинг манфаатларига хизмат қилувчи ўзига хос янги талқинларини

юзага чиқаришнинг, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, диний ва бошқа бир қанча қарашларнинг тарғиботчисига айланиб бормоқдаки, бунинг натижасида, инсоният тараққиётининг айни палласида ахборотнинг омма онгига таъсири ва унинг салбий оқибатлари жамиятнинг жиддий муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Энди ахборот аталмиш қурол воситасида инсон онгига хужум қилиш натижасида унинг тафаккури ва интеллектини эгаллаш, ўз аудиториясини кенгайтириш билан қудратини ошириш орқали уларни қайсидир ғоя атрофида бирлашган кучларнинг мақсадларига хизмат қилдириш билан боғлиқ “уруш”нинг замонавий кўринишлари пайдо бўлди. Тараққиётнинг ҳозирги босқичига келиб, дунё ахборот бозорида муносиб ўрин эгаллашга эришиш учун моддий кўриниш ва шаклга эга бўлмаган, фақат ақл билан кўриш ва тафаккур билан англаш мумкин бўлган жиддий кураш авж олмоқда. Соҳа мутахассисларининг фикрича, ахборот қуроллари тушунчаси остида бирор халқ, миллат менталитети, маданияти, маънавияти, дини, давлатнинг инфор­мацион ва ҳарбий тизимига салбий таъсир ўтказадиган махсус дезинформацион технологик воситаларнинг муайян тизими ётади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Президентимиз таъкидлаганидек: “Бугун инсоният ғоявий урушлар, маънавий зиддиятлар, зўравон ғояларнинг дунёни қайта тақсимлашга қаратилган ўйинлари авж олган шиддатли замонда яшайпти. Ҳозир бузғунчилик, ахлоқсизлик ва маънавий инқирозлар ҳар қачонгидан ҳам хатарли тус олмоқда. Ёшларимиз бундай шароитларда ҳамини ҳушёр ва огоҳ бўлиши, фитна ва ғаразли мақсадлар, манфаатдор кучлар турганини бир лаҳза ҳам унутмасдан, ёшлигиданоқ соғлом тафаккурни шакллантириш лозим” [1-488]. Ёш психологияси нуқтаи назаридан олиб қаралганда, ахборот олишга бўлган эҳтиёж ёшларда катталарга нисбатан бир неча марта ортиқ. Чунки ёшларнинг билишга нисбатан қизиқувчанлиги, ахборотга бўлган эҳтёжининг ҳали қондирилмаганлиги уларнинг ахборот олиш борасидаги фаоллигига сабаб бўлади. Ахборотга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши ижобий ҳолат, аммо ҳеч қандай асосга эга бўлмаган, бир қарашда беозоргина бўлиб кўринган, лекин мақсад-муддаоси ғаразли бўлган ахборотларга ёшларнинг алданиб қолаётганлиги ташвишланарлидир. Давлатларнинг сиёсий қарашларини нотўғри талқин қилувчи, турли экстремистик ва террористик ғояларни, инсониятга қарши қурол кўтаришга ундовчи, ўз-ўзини ўлдиришга чақирувчи,

наркотик ва одам савдоси билан боғлиқ мақсадларни кўзловчи, “оммавий маданият”ни тарғиб қилувчи барча ахборотлар ўзига хос таъсир этиш имкониятларига эгаки, бу “алдамчи жилваланишлар”га, кўп ҳолларда, ақлий ва маънавий жиҳатдан ҳали тўла шаклланиб улгурмаган ёшлар “мафтун” бўлиб қолмоқда. Ҳатто бундай ғаразли мақсадлар ўз табиати билан эзгуликка хизмат қилиши керак бўлган санъат асарлари (кино, анимацион фильмлар, мусиқа, кўшиқ, рақс ва б.) замирига ҳам сингдириб юборилмоқдаки, бу каби “коса тагидаги нимкоса”ларни англаш учун инсонлардан теран ақл-заковат ва ҳозирда бир қараганда кўриш мумкин бўлмаган, аммо реал мавжуд “ахборот хуружлари”га қарши иммунитет шаклланган бўлиши лозим.

Зеро, Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек: “Барчамизга аён бўлиши керак: мамлакатимизнинг келажаги, ўзбек миллатининг, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай жой олиши бугун ёшларга бераётган тарбиямиз, кўрсатаётган ғамхўрлигимизга боғлиқ” [2-9].

Ёш авлодни ҳар тарафлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш ғоят мураккаб ва узоқ вақтни талаб қиладиган жараёнدير. Фарзанд тарбияси ҳеч қачон бизни кутиб турмайди. Айниқса бугунги ғоя ва мафкуралар кураши авж олган бир пайтда, келажак авлод тарбияси ҳар қачонгидан ҳам муҳим ҳисобланади. Ёшлар тарбиясига бепарволик, лоқайдлик келажакда тузатиб бўлмас оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар бу вазифани биз бугундан бошлаб, ёшларимиз қалби ва онгида эзгулик ғояларини, юксак ахлоқни, ёши улуг инсонларга ҳурматни шакллантира олсак нафақат ўзимиз, балки жамиятимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшган бўламиз. “Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир” [3-56].

Она-Ватан деб билган заминни, киндик қони тўкилган тўпроқни муқаддас билиб, уни ҳар қандай босқинчи ёвлардан жонини қурбон қилиб бўлса ҳам ҳимоя қилиш аввало инсонийлик бурчимиздир. Чунки бу бурч ортида аждодларимиз хоки ётган замин, уларнинг руҳи кезиб юрган юрт ва бизни дунёга келтирган ота-оналаримиз ҳаётининг осойишталиги, тинчлиги, фарзандларимиз иқболи, бахт-саодати ва фаровонлиги турибди.

Инсон дунёга келиши билан кўз очиб кўрган заминни ватаним деб билади, шунинг учун ҳам шимолий ва жанубий худудларнинг жуда мураккаб иқлимига қарамай ерли аҳоли у жойларни дунёнинг ҳеч бир жаннатмакон жойларига алмашмайди. Чунки бу кенг музликлар ва кумликларда уларнинг аждодларининг босиб ўтган ҳаёт йўллари бор ва у ҳам шу йўллар билан бориб ўз ҳаётини ташкил этади ва ўтказди. Бу асрлар бўйи давом этиб келаётган қонуниятдир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ватан, ватанпарварлик нима? “Ватан” аслида арабча сўздан олинган бўлиб, “она юрт” маъносини англатади. Шу маънода “Ўзбекистон” – ўзбек халқининг, шу ерда туғилиб ўсган инсонларнинг ватанидир. Ватан – бу инсон ва унинг авлод-аждодлари киндик қони тўкилган муқаддас даргоҳдир. Ватан – бу аждодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга этган тупроқ, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари шаклланиб, ривожланиб, камол топиб борадиган заминдир.

Ватан деганда ҳамини ҳар биримиз туғилиб ўсган, кўз очиб кўрган, таълим-тарбия олиб вояга этган, авлод – аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақл-идроқи, меҳнати билан тўкилган пешона терлари, хоклари абадий қўним топган юрт кўз олдимизга келади.

Инсон маънавий етуқлигининг муҳим белгиси – ватанпарварлик ҳисобланади. Ҳар бир фуқаро ўзини ватаннинг, халқнинг таркибий қисми деб билиб, ўз бурчини юксак онглилик, фидойилик билан адо этгандагина ватанпарварлик эътиқоди мустақил мамлакат тараққиётига катта ижобий таъсир кўрсатувчи маънавий заминга айланади. Ватанпарварлик туғма, ирсий хусусият эмас, балки муайян ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазиятда, таълим-тарбия натижасида шаклланидиган ва амалий ишларда намоён бўладиган ҳодиса. Шунинг учун ҳам ватанпарварлик тарбияси мустақил ватанимизнинг тараққиёти, хавфсизлиги, муҳофаза қуввати ва Қуролли кучларини мустаҳкамлашда муҳим заруриятга айланди.

Буюк ватандошимиз, оламга машҳур бўлган мутасаввуф олим Шайх Нажмиддин Кубро ҳам буюк ватанпарварлик намунасини кўрсатди. У 76 ёшида қўлига қурол олиб, мўғул босқинчиларига қарши курашди, жонини тикиб энг хатарли ҳолатларда ҳам халқи, ватани учун курашди ва жангда мардона ҳалок бўлди. Бундай ибратли мисолларни тарихимиздан кўплаб келтириш мумкин.

Ватанни ҳимоя қилиш борасидаги анъаналар, миллий озодлик учун олиб борилган курашлар, Жалолоддин Мангуберди ва Амир Темурнинг ҳарбий тактикаси буюк тарихий мерос ва ватанпарварликнинг намунаси сифатида тушунилиши бугунги кунда жамиятимизнинг кенг ижтимоий фикрига айланиб бормоқда.

Ҳар биримиз ўзимизнинг билимимиз, касб-у коримиз ва фаолиятимиз билан мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, халқимизнинг фаровонлиги учун ҳаракат қилмоғимиз, ёшларимизнинг турли зарарли ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги учун ўз масъулиятимизни унутмаслигимиз зарур.

Хўш, биз яшаб турган оламда ўзига хос “алдамчи жилвалари” билан ўзига ром этувчи; матн, товуш ёки тасвир ортида бир қарашда англаш мумкин бўлмаган, аммо айрим гуруҳ ва жамоаларнинг ғаразли мақсадларини тарғиб этувчи пинҳона “ахборот хуружлари” мавжуд экан, бизнинг жамиятимизни бу каби салбий таъсирлардан ихоталаш учун, хусусан, бу иллатнинг ёшлар онги ва дунёқарашига таъсирини камайтириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда ва бу чораларнинг самарадорлигини ошириш учун яна нималар қилишимиз лозим бўлади?

Аввало, бу борада шу пайтга қадар кўриляётган чораларни умумлаштирадиган бўлсак, бир қанча ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, давлатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик базаси шакллантирилмоқда, бу борада оммавий ахборот воситаларида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда, халқимизнинг, хусусан, ёшларнинг фикри ва қарашларини ўзгартиришга, ғаразли мақсадларни тарғиб қилишга қаратилган интернет сайтларига чекловлар ўрнатилган. Аммо, бизнингча, бутун дунёда фикр, онг ва интеллектни эгаллашга қаратилган ўзига хос тарздаги “уруш” – “ахборот хуружи” ва унинг салбий оқибатларига қарши курашиш учун амалга ошириляётган бу чора-тадбирлар етарли эмас. Бу борада амалга ошириляётган ишларнинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш учун яна қуйидаги ишларни тақлиф қилмоқчимиз:

1) Ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш, хусусан, алоҳида қонун ҳужжати қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш;

- 2) миллий ахборот маконимизни аҳолининг қизиқишини инобатга олган ҳолда жараёнларни объектив ва позитив ёритувчи маҳаллий ва хорижий ахборотлар билан мунтазам тўлдириб бориш;
- 3) халқимизнинг, хусусан, ёшларнинг интернетдан фойдаланиш маданиятини ўстириш, ундаги ҳар қандай ахборотни тафаккур ва таҳлил қилиб, сўнг хулоса чиқаришга ўргатишимиз зарур;
- 4) мамлакатимиз тўғрисида нотўғри, бир тарафлама ахборот тарқатувчи ҳар қандай хорижий ахборот воситалари фаолиятига қонун доирасида чек қўйиш, бу каби ахборотлари учун уларнинг жавобгалигини ошириш ва тарқатилган ахборотларнинг бир тарафлама ёки нотўғри эканлигини мутахассислар иштирокида халқимизга ўз вақтида етказиш;
- 5) ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, шунингдек, олий таълим муассасаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, ахборот хуружлари, унинг шакл ва кўринишлари, мақсади ва салбий оқибатлари борасида махсус курслар ўтилишини таъминлаш;
- 6) ҳарбий таълим муассасаларида миллий ғоя, мафкура, маънавият, ватанпарварлик каби тушунчалар тарғиботи борасида амалга оширилаётган ишларни изчиллик билан давом эттириш.

Ёшларимизни бугунги глобаллашув даврида турли зарарли ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилмоқчи, “ахборот хуружлари”нинг салбий оқибатларидан асраб-авайламоқчи эканмиз уларда буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросини, енгилмас саркарда боболаримизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, ахборот тушунчаси бугунги кунда ҳар доимгидан ҳам кенгроқ маъно ва мазмун касб этиб бормоқда. Бугун биз яшаб турган замон ва маконда бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда гоҳида ошқора, аксарият ҳолларда пинҳона тарзда ҳаракат қилувчи “ахборот хуружи” аталмиш қурол юзага келдики, бу қурол воситасида энди инсон онгига эгалик қилиш имконияти пайдо бўлмоқда. Бу салбий иллатдан халқимизни, хусусан, ёш авлодни ҳимоя қилиш, уларда “ахборот хуружи”га қарши иммунитетни шакллантириш ҳар доимгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажегимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. Тошкент: “Ўзбекистан”, 2017.
2. Каримов И.А. Ёшларимиз – халқимизнинг ишончи ва таянчи. – Т.; “Маънавият”, 2006.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.